МУСТАҚИЛЛИК

16-23 июнь
Ўзбекистон Республикаси Президенти Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия мамлакатларига ташриф буюрди.

2 июль
Олий Кенгашнинг X сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби қабул қилинди.

1992 йил

17 сентябрь
Бухорода ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантана қилинди.

21-27 сентябрь
Туркия Республикасида Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари бўлиб ўтди.

1993 йил

3 октябрь
Тошкентда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг "Ипак йўли" халқаро анжумани ўтказилди.

15 октябрь
Самарқандда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

1994 йил

21 август
Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра хорижий сармоялар бўйича агентлик ташкил этилди.

29 август
Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун халқаро теннис турнири очилди.

1995 йил

6 февраль
Халқаро Олимпия Қўмитаси қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олимпия Олтин ордени топширилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

1996 йил

ЗАРВАРАҚЛАРИ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 10 август, шанба № 103-104 (22.025).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ХАЛҚҚА СОДИҚ БЎЛИШГА ҚАСАМ

9 август Борис Ельциннинг Президент вазифасини бажаришга киришишига бағишланган расмий маросим Россия Федерацияси ҳаётидаги асосий сиёсий воқеа бўлди. Борис Ельцин бўлиб ўтган умумхалқ сайловида Россия давлати бошлиғи лавозимига қайта сайланган эди.

Маросимда иштирок этишга таклиф қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу воқеа арафасида кечқурун Москвага келди. Давлатимиз бошлиғини Москванинг Внуково аэропортида Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Владимир Каданников кутиб олди.

...9 август куни туш пайтида давлат Кремль саройида Россия Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Николай Рябов умумхалқ сайлови якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг қарорини эълон қилиб, Россия Федерацияси Президентига тегишли Гувоҳномани расмий равишда топширди. Борис Ельцин мамлакат Конституцияси матнига ўнг қўлини қўйиб, мустақил Россиянинг халқига ва Асосий қонунига содиқ бўлишга Президент қасамёди сўзларини тантанавор ифода қилди.

Россия Президенти вазифасини бажаришга киришишга бағишланган расмий маросим узоқ давом этмай, ишчан вазиятда ўтди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бўлиб ўтган тантанали воқеа аҳамиятига баҳо берар экан, Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасида вужудга келган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бузилмаслигига ишонч билдирди ҳамда бу яхши ва ўзаро фойдали алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг катта истиқболини таъкидлади.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов Москвадан Тошкентга қайтиб келди.

Пойтахт аэропортида давлатимиз бошлиғини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили В. Ринза бор эди.

А. БАРАНОВ,
ЎзА махсус мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ



Тошкент. Темурийлар музейи.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

САЛОМАТЛИК МАШҚЛАРИ

Орегондаги касалликларни кузатиш ва огоҳлантириш маркази аҳоли ўртасида янги жисмоний машқлар комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Комплекс машқлар корхона ишчи-хизматчилари ўртасида иш вақтининг маълум бир пайтида мунтазам олиб бориш белгилаб қўйилган. Аҳоли ўртасида ҳам бу жисмоний машқлар комплексини бажариш қатъий қилиб белгиланган. Иш билан банд бўлганлар эса қатъий тартибда 20 минут дивомида жисмоний машғулотлар билан шуғулланишади. Айрим ҳоллардагина ҳафтада уч кун машғулот ўтказилади холос.

Мутахассисларнинг бу дастури аҳоли саломатлигини муҳофаза этишда, кўзланган мақсадларга эришишда қўл келмоқда.

ҒОЛИБ МЕДАЛЛАРИНИ СОТДИ

Атланта ўйинлари чех Лукаш Поллерт ва брокерлик фирмаси директори Мартин Ханзикларга муваффақият келтирди. Ханзик ва Лукаш моҳир каноэда эшкак эшувчилардир.

Лукаш ватанига қайтгач Атлантада қўлга киритган кумуш медалини сотишга қарор қилди.

Шунингдек, Лукаш Барселонада эришган олтин медалиниям пуллашга аҳд қилди.

Лукаш бу маблағларини хайрия мақсадларида сарфлашни режалаштирган. Чех спортчисига медалларидан ажралиш бироз қайғули. Лекин ғолиб шунга аҳд қилганди.



АРМАН МУҲОЖИРЛАРИ ҚАЙТИШЯПТИ

Иқтисодий танглик туфайли Арманистондан кетган муҳожирлар бугунга келиб ўз юртларига қайтиш имкониятига эга бўляпти.

Етти минг нафардан ортиқ арманлар Германияда муҳожирликда яшашади. Германия ҳукумати кейинги йилларда Арманистондаги иқтисодий танглик бирмунча ўнгланганлигини ҳисобга олиб, муҳожирларни ватанига қайтариш чора-тадбирларини белгиламоқда.

Герман ҳукуматининг иқтисодий ўнгланиш хусусидаги тадбирида асос бор. Ҳукумат муҳожирларнинг ватанига қайтиш йўл сарф-харажатларини ўз зиммасига олишга тайёр эканлигини билдирди.

«СУВ ПАРИСИ» ТОКИОГА ҚАЙТДИ

Япониялик саргузаштталаб Кенити Хори Тинч океанини ёлғиз «сузиб» ўтишга қарор қилганди. У 135 кун давомида 16 минг километрлик масофани ўзининг мўъжазгина «Сув париси»да сузди.»Сув париси» эсон-омон Токиога қайтиб келди.

Унинг «жажжи» кемасининг узунлиги атиги 10 метр, ўзи қуёш батареясида ҳаракатланди. Яхтанинг ўзи эса мис пиво банкаларидан ясалган. Унга 22 минг дона бўш пиво банкаси сарфланган.

Хори ҳозир 57 ёшда. Унинг бу «сузиш»и дастлабкиси эмас. Хори 1962 йилдаям Тинч океанини ёлғиз сузиб ўтган биринчи капитандир

МАЙКЛ ЖЕКСОН: ЎН ОЛТИ ЁШГА ТЎЛМАГАНЛАР ҚЎЙИЛМАСИН

Жанубий Кореядаги турли хил оқимлар, фуқароларнинг жаҳон эстрада юлдузининг навбатдаги ташрифига норозилик ҳаракатларини бошлашди.

50 дан ортиқ шундай норозилик чиқишларига қарамай Маданият вазирлиги шу йил Сеулдаги Олимпия стадионида Майклнинг навбатдаги концерт дастури тасдиқланганлигини эълон қилди.

Корейс «ахлоқчилари» Майкл Жексоннинг 1993 йилдаги ташрифи ёшлар, вояга етмаган ўсмирлар ахлоқий тарбиясига салбий таъсир этганини алоҳида уқдириб ўтишяпти. Улар ҳатто дастур ҳомийси бўлган фирмага маҳсулот топширишни тўхтатиш ҳақида ҳам норозилик эълон қилишди.

«Юлдуз»нинг 1994 йилдаги Сеулда ўтказилиши мўлжалланган дастури бекор қилинганди.

Бундай бекор қилишлар Майкл Жексон ижодий сафарига бир ёқлама қараш бўларди, деб ҳисоблади вазирлик вакиллари..

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БЮДЖЕТ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР УЧУН ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлаш, солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш учун масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига солиқлар ва бюджетга тўловлар бўйича қарзларни қарздор корхонанинг мулки ҳисобидан ундириб олиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда тўловни қарздор корхонанинг мулки ҳисобидан ундириб олиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсин.

2. Тижорат банклари вакиллик ҳисоб варақларининг ҳолатидан қатъи назар солиқ тўловчида маблағ мавжуд бўлган тақдирда бюджетга тўловлар ўз вақтида ўтказилишини таъминласинлар.

Қарздор корхонанинг сўмлардаги маблағи етарли бўлмаган ва валюта ҳисоб варақларида маблағлари мавжуд бўлган тақдирда вакил қилинган банкларга солиқ идораларининг тақдимномаси бўйича мазкур валюта маблағларини Ўзбекистон Республика валюта биржасида сотиладиган кундаги курс бўйича, бюджет олдидаги қарзни узиш учун зарур ҳажмларда қатъий тартибда сотиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

экспорт маҳсулоти (марказлаштирилган экспорт бундан мустасно) республика божхона чегарасидан ўтган пайтдан бошлаб 60 кундан кейин сотилган ҳисобланади ва тегишли барча солиқ тўловлари тўланиши мажбур;

солиқ идораларининг сўрови бўйича банклар ўз мижозлари бўлмиш корхоналарнинг солиқ тўловларини бекаму-кўст ва тўғри тўлаётганликлари устидан назоратни амалга ошириш учун шу корхоналарнинг операциялари тўғрисидаги зарур маълумотларни беришлари шарт;

хўжалик юритувчи субъект хизмат кўрсатувчи бошқа банкка ўтганида у солиқ идорасининг солиқлар ҳамда бошқа тўловлар бўйича ўзининг давлат бюджети билан ўзаро муносабатлари қандай ҳолатда экани тўғрисидаги хулосасини тақдим этиши керак. Бунда хўжалик юритувчи субъект бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргандан кейингина янги ҳисоб-китоб варағини очишга йўл қўйилади;

барча чакана савдо корхоналари, шунингдек аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар тушган нақд маблағларни ҳар куни банк муассасаларига топширишлари шарт. Ушбу талабни бузиш тушумни яшириш деб баҳолансин ва айбдорларга нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ жазо чоралари қўлланилсин;

корхоналар ва тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга векселлар билан операциялар бўйича ёки бажарилиши тўхтатилган шартнома бўйича олдиндан тўлаш ҳолида тушган тўловларни қайтариш мақсадида нақд пул маблағларини тўлашга йўл қўйилмайди. Мазкур пул маблағлари юридик ва жисмоний шахсларнинг тегишли ҳисоб-китоб (жорий) варақларига ўтказилиши лозим. Белгиланган тартибни бузганлик учун айбдор корхона ва тижорат банкига юридик ёки жисмоний шахснинг банк ҳисоб варағига олдиндан ўтказилмай берилган нақд пул маблағи миқдорида жарима солинади.

4. 1996 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси доирасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида мавзоа асосидаги шартномалар тузиш тақиқлансин.

5. Тижорат банклари етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар) учун ҳақни бевосита маҳсулот етказиб берувчиларга тўласинлар, тўловларнинг учинчи шахслар ҳисобидан ундирилишига йўл қўймасинлар.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу тартибни бузиш даромадни яшириш деб баҳоланади ва айбдорларга нисбатан қонунларда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда векселларни қўлланиш бюджет билан ҳисоб-китоблар тартибининг бузилишга олиб келмаслигини назарда тутган ҳолда вексел муомаласини такомиллаштиришга оид таклифларни бир ой муддатда тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб республика Молия вазирлиги ва молия идораларининг таркибига республиканинг акциз солиғига тортиладиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи катта корхоналарида акциз солиқлари бўйича инспекторлар лавозимини жорий этиш, уларнинг зиммасига акциз солиқларини хомчўт қилиш ва тушумини таъминлаш вазифаларини юклаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамаси солиқ тўловчи мазкур катта корхоналар, биринчи навбатда вино-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган шундай корхоналарда даромадларни муттасил назорат қилиш ҳамда бюджет олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун уларнинг рўйхатини ҳар йили тасдиқласин.

8. Адлия вазирлиги ва маҳаллий ҳокимият органлари солиқ идораларининг тақдимномаси бўйича юридик шахслар олти ой мобайнида молия-хўжалик фаолияти билан шуғулланмаётган бўлса, уларни хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатидан чиқарсинлар.

9. Республика суд ва солиқ идоралари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузишга йўл қўяётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 176-моддасида кўзда тутилган маъмурий таъсир чораларини кенгроқ қўлласинлар.

10. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 9 август.

«ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ — БЕТАКРОР ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА» ТУРКУМИДАГИ ИККИНЧИ МАҚОЛАНИ 2-БЕТДА ЎҚИНГ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ — БЕТАКРОР ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЁРҚИН ЙЎЛИ

Мустақилликка эришганимиздан кейинги беш йил мобайнида дуч келаётган қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ чора-тадбирларни яратиш, ислоҳотлар чуқурлашиб бораётган янги ижтимоий муносабатларни ифода этаётган бозор иқтисодиёти ҳаётнинг барча жабҳаларидан муносиб ўрин эгаллаётган тарихий даврнинг таъсир доирасида ривожланмоқда. Эндиликда мустақилликни мустаҳкамлаш ва бозор иқтисодиётини тўла жорий этиш тараққиётимизнинг қўш қанотидир, ҳаётимиз фаровонлиги эса унинг баланд парвозига боғлиқ.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, мустақилликка эришиш муаммоларини ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг долзарб масалаларини аксарият мамлакатлар асрлар давомида ҳал этишга муяссар бўлган. Бизнинг шароитимизда бу икки муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатлар бирданига ҳал этилмоқда.

Шунинг билан бирга бу муносабатлар собиқ республикаларнинг ҳаммаси учун, бир хилда бўлса-да, вазиятдан чиқиб олишнинг йўллари уларнинг ҳар бирида ўзгачадир. Ўзбекистон давлатининг бетакрор ижтимоий ҳодиса эканлиги ҳақида гапирар эканмиз, унинг иқтисодий қирраларини ҳам таҳлил этиш муҳимдир.

МДҲдаги айрим республикалар тушиб қолган ҳолатнинг олдини олиш мукаммал ишланган стратегия ва уни қатъиян амалга оширишни талаб қилади. Бундай стратегик дастур Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида яратилган ва у ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётганлиги ва жаҳон мамлакатлари эътиборини жалб этаётганлиги билан диққатга сазовордир.

И. А. Каримовнинг мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий силжишларнинг назарий омиллари ва амалий йўналишларини чуқур таҳлил қилиш асосида ёзилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» йирик асари ва бошқаларида республикамизда мустақилликка эришилган кейинги йилларда қўлга киритилган муваффақиятлар кўламига холис баҳо берилган. Бу асарлар бозор иқтисодиёти назарияси билан онгимизни бойитади, унинг қонуниятларини республикамиз ижтимоий ҳаётида турлича намоён бўлишини асослайди, республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг долзарб ва стратегик муаммоларини атрофлича таҳлил этиб, мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми эканлигини кўрсатувчи фундаментал изланиш намунасидир.

Аслини олганда бу ёндашувларнинг ҳаммаси жаҳон тан оладиган буюк давлат барпо этиб, унда кўпайиб бораётган халқимизнинг тўқ ва фаровон яшашини таъминлашга қаратилган.

Энг муҳими, яратилган фундаментал тадбирларда ислоҳотларни амалга ошириш босқичларининг вазифалари аниқ белгиланганлиги унга амал қилишда ва ижро этишда масъулиятни оширади.

Бундай муҳим вазифаларни ҳал этиш мақсадида биринчи босқичда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг муҳим устувор йўналишлари аниқланиб, уларнинг бажарилиши учун аниқ тадбирлар белгиланиши тақозо этилди. Бу жиҳатдан мамлакатда ўтиш даврига ва ислоҳотларнинг ҳуқуқий манбаини мустаҳкамлашга монанд қонунчилик тизимини яратиш, айниқса асосий қонунимиз — мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясини қабул қилиш бош вазифа қилиб қўйилди. Кўп укладли иқтисодиётнинг негизларини яратиш учун қонуний ва демократик воситалар ишга туширилди. Ва ниҳоят, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлигини таъминлашга иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий омиллари сифатида ёндашилди ва муҳим натижаларга эришилди.

Энг аввало ўзимизнинг мустақил давлатчилигимиз барпо этилди ва унинг идора этувчи ҳуқуқий асослар яратилди. Мамлакатимизнинг асосий қонуни, давлат ва жамиятимизни мақсад ва вазифаларини белгиловчи ва тартибга солиб турувчи бир қатор қонунлар қабул қилиндики, булар мамлакатимизнинг демократик йўл билан ривожланишига асос бўлмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларда мамлакатимиз учун мутлақо янги бўлган, мулкчиликнинг ҳар хил шакллари бўлмиш хусусий ва кўп укладли мулкка асосланган, дунё сари дадил қадам ташлаётган очиқ иқтисодиётга ўтиш содир бўлмоқда ва янги тарздаги молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо бўлмоқда.

Булар туфайли мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси кучайиб, чет эллик сармоя эгаларининг Ўзбекистонга қизиқиши ошмоқда ва улар олиб келаётган сармояларининг ҳажми кўпаймоқда ва кенгаймоқда.

Демократик давлат ва фуқаролар жамиятини яратишни йўлга қўйиш мақсадида биринчи давлат ,жамоат ташкилотлари ва тизимлари шакллантирилмоқда. Бу йўналишларда олиб борилаётган фаоллик фуқароларимизнинг дунёқарашларида, ҳаётга муносабатларида ижобий силжишлар юз беришига сабаб бўлмоқда. Энг муҳими, бозор иқтисодиётининг заруриятини кенгроқ англамоқдалар.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш жараёнида эришилган жиддий муваффақиятлар муҳим йўналиш ва соҳаларда ўз ифодасини топганлиги яққол кўзга ташланади.

Маълумки, янги ижтимоий муносабатларга ўтиш мамлакатни бошқаришнинг янги тизимини барпо этишни тақозо этади. Шунинг учун мазкур масалани ҳал этиш яъни бошқарув соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш сермазмун фаолият муҳим аҳамият касб этади. Амалга оширилган жадал ишлар туфайли бошқарувни ислоҳ қилиш етарли даражада муваффақиятли амалга оширилди. Чунки бу босқичда бошқаришнинг аслида янги тизими вужудга келтирилди. Чунончи, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан халос бўлиб, янги иқтисодий шароитга мос келадиган муассасалар тизими тезлик билан жорий этилди. Бу йўналишда хўжаликларга иқтисодий эркинлик беришга ёрдамлашадиган, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантирадиган ташкилий-ҳуқуқий ташкилотлар барпо этилди.

Энг муҳими, марказий иқтисодий органлар ва вазирликларнинг фаолияти қайта кўрилиб, уларнинг зиммасига янги вазифалар юклатилмоқда. Шунга биноан давлат режа қўмитаси, давлат таъминот қўмитаси, давлат нархлар қўмитаси, давлат агросаноат қўмитаси ва бошқа йирик давлат қўмиталари тугатилиб, уларнинг ўрнига янги иқтисодий муносабатларни рўёбга чиқарувчи бошқариш бўғинларининг ташкил этилиши, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг таркибий тузилиши ва вазифалари ўзгарганлиги бошқариш соҳасида ўтказилаётган долзарб тадбирлардан эканлиги кўзга яққол ташланади.

Айниқса, назорат органларининг фаолиятини тартибга солиш мақсадида Давлат солиқ қўмитасининг тузилганлиги эътиборга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ташкил этилиши, республика тарихида биринчи марта тузилган Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги зиммасига масъулиятли вазифалар юкланганлиги, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга янгича ёндашиш эканлиги шулар жумласидандир.

Табиийки, бундай ўзгаришлар республика иқтисодиётининг тармоқлари ва айрим муҳим соҳаларни бошқариш тизимида ҳам юз берди. Шунга биноан қуйи бўғин ташкилотлари ва корхоналарга иқтисодий эркинлик берилиб, улар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маҳсулотни эркин сотиш ҳуқуқига эга бўлишлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришнинг ҳудудий таркиби ўзгарганлиги тажрибаси алоҳида эътиборга молик. 1992 йилдан бошлаб янги талаблар асосида вилоят, туман ва шаҳарларда жойлардаги вакиллик ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик жорий қилинди. Бу эски бошқарувга қарши ўлароқ мутлақо ихчам ва самарали бошқарув тизимидир. Шубҳасиз, бундай ўзгартиришлар катта куч, дадил қадам ва ақл-идрок асосида амалга оширилган инқилобий тадбирлар мажмуасига киради.

Барча ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборатдир. Шунга биноан инсон ва оила ҳаётининг барча соҳаларини таъминлашга қаратилган ва бир-бирини тўлдирувчи чора-тадбирларнинг бутун бир тизими шаклланди. Булар туркумига даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш ва давом эттириш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш каби аниқ чора-тадбирлар киради. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 1992-1996 йилларда иш ҳақи ва нафақаларнинг энг кам миқдори бир неча бор оширилди.

Маълумки, ҳар қандай йирик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлардан кўзланган мақсад ривожланиш, барқарорлик ва тинчлик-тотувликни таъминлашдан иборатдир. Республикамизда ислоҳотлар ўтказиш жараёни мана шу мақсадларга қаратилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 июлида бўлиб ўтган йиғилишидаги И. А. Каримовнинг нутқида Ўзбекистоннинг 5 йиллик юксалиш салоҳияти айнан шу муаммоларни ечишга сафарбар этилганлиги алоҳида қайд этилди. Бу эса республикамизни янги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки энг машаққатли ва оғир босқичини босиб ўтишлиги учун реал замин яратди.

Ярим йилликнинг якунларига кўра ҳамма жабҳаларда барқарорликка эришилганида намоён бўлди. Иқтисодиётнинг барометри бўлган пулнинг қадрсизланиш суръатлари кескин пасайди. Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 4 фоиз атрофида бўлиб, у ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар камдир. Уз навбатида миллий валютамиз — сўмнинг қадр-қиммати мустаҳкамланиб борди. Унинг АҚШ долларига нисбатан барқарорлигида намоён бўлди. Республикамизда хусусийлаштириш жараёни кенг тус олди. Ҳозирги кунда нодавлат секторнинг ҳиссасига жами саноат маҳсулот ишлаб чиқаришининг ярмидан кўпроғи, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 95 фоизи, чакана товар оборотининг 94 фоизи, пудрат ишларининг 61 фоизи тўғри келиши бу соҳада эришилган муваффақиятларнинг далилидир.

Шу билан бирга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг улуши кўпайиб борди. Бу кўрсаткич ҳозирги кунда 65,6 фоизга кўтарилган бўлса, у 1993 йилда 45 фоиз эди, холос.

Хуллас, Президентимиз И. А. Каримов аввалдан таъкидлаганидек, 1996 йил кескин бурилиш йили бўлди. Чунки биринчи бор ички ялпи маҳсулотнинг 101,4 фоизга ва саноат маҳсулотининг 105 фоиз ўсишига эришилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида устувор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан аҳолининг иш ҳақи даражасини ва нафақахўрлар пенсия миқдори бир неча бор кўтарилиши бу соҳадаги муҳим ишларнинг натижасидир. Булар туфайли ўтган йилдагига нисбатан аҳолининг реал даромадлари 16 фоизга ошди. Шу йил 1 сентябрдан иш ҳақлари, пенсия ва стипендия миқдорларини ошириш бўйича Президент Фармони амалга оширилиши бу кўрсаткичларнинг келажакда янада юқори бўлишидан дарак беради.

Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик.

Туркистон— умумий уйимиз

КИТОБЛИ ХОНАДОН — НУРЛИ ХОНАДОН

«Яхши китоб кишининг энг яқин дўсти. Энг яқин дўст китоб. Китобдан яхшироқ дўст йўқдир». Бу гаплар ҳозир анча ғайритабиий эшитиладиган бўлиб қолганлиги ҳам сир эмас. Иқтисодий қийинчиликлар китоб савдосига ҳам ўз таъсирини ўтказаётганлиги сезилиб қолди. Савдо расталарида китоб қаторлари камайганлиги, ҳатто айрим жойларда китоб дўконларининг ёпилиши ҳоллари ҳам кўзга ташланади.

«Қорақалпоқкитоб» бирлашмаси бошлиғи Ойназар оға Кунназаровнинг гаплари айни қўнглингизни ифодалайди:

"Умрим савдода ўтган. Неча йиллар республика савдо соҳасига раҳбарлик қилганман. Яхши китобларни чанг босиб қолганини ҳеч қачон эслай олмайман. Одамлар буюртмалар беришарди. «Китобпочта»лар ишлаб турарди. Ҳозирда китоб савдоси тушиб кетганлиги рост. Масалан, ўтган йили бизда бу хазинанинг эллик фоизи сотилмай қолди. Буларнинг ҳаммасини ёмон деб бўлмайди. Халқ достонлари, классик адабиёт таржималари, қорақалпоқ адабиёти намояндалари... Бу асарларни кўнгил рад қилмабди, аммо чўнтак ҳам кўтармайди... Албатта, бу ҳолатлар ўткинчилигига ишонаман.

Айримлар китоб савдосининг сустлиги ёки умуман, тўхтаб қолаётганлигини нуқул ёмон китоблар чоп этилаётганлигига ағдаришади. Шу ўринда Ойназар оғанинг яна бир гапи диққатга сазовор. «Янгиланиш даврида юз берадиган тарихий ҳақиқатни тўғри тушунган ҳолда вазиятдан чиқиш йўлларини излашимиз керак. Яқинда бирлашмамиз бир хайрли ишга қўл урган эди, Натижа яхши бўлди. Катта ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий фирмалар раҳбарлари билан гаплашиб, кишиларни рағбатлантирувчи мукофотлар ёнига бир яхши китоб ҳам қўшишни таклиф қилдик. Жуда чиройли тадбир бўлди. Ҳам моддий рағбат, ҳам руҳий қувват. Шундай қилиб йирик корхоналар билан китоб савдосининг янги бир кўриниши пайдо бўлди..."

«Қорақалпоғистон» нашриёти чиқараётган китоблар ичида ўн сўмдан тортиб, 150 сўмгача бўлганлар бор. Улар бир-икки босма табоқдан ўн-ўн икки босма табоққачадир. Буни газета-журналларга обуна мисолида ҳам кўриш мумкин. Китоб нашри ва савдоси хусусида яна бир гап: Анча олдинроқ чиққан, аммо омборларда қолиб кетган китоблар нархини ҳам бугунги кун даражасида ошириб қўйиш тўғри бўлармикан?

Кекса савдо ходимининг иборасича, шундай китоблар борки, мағзи олтинга бергисиз. Майли, ҳозирча харидор ҳавас қилсин, расталардан сал узоқроқдан айланиб ўтақолсин. Аммо бу деган сўз китобга эҳтиёж пасайгани дегани эмас. Ҳали бу китобларни кўзларга суриб ўқиймиз, Давраларда мунозара-ю баҳслар юритамиз. Ана шундай кунлар келади. Чунки келажаги порлоқ давлатни маънавиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маърифат зиё, зиё эса равшанлик, порлоқликдир.

Раъно РАҲМОН қизи.

Солиқ тизимида нима гап?

БЕНЗИНФУРУШЛАР

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ БОРМИ?

Давлат солиқ қўмитасининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини назорат қилиш бошқармаси ходимлари томонидан 1996 йил учинчи чорак иш режасига биноан нефть маҳсулотларини сотиш қоидаларига риоя этиш бўйича Тошкент халқа йўли ва шаҳар кўчалари бўйлаб текширувлар ўтказилди. Унга Тошкент шаҳар солиқ инспекцияларининг 44 нафар ходими жалб қилинди.

Уч кунлик рейд давомида кўча ёқалари, автомобиль гаражлари, пуллик тўхташ жойларида ноқонуний тарзда бензинфурушлик билан шуғулланаётган 87 нафар фуқародан 3715 литр бензин ва 2260 сўм бензин сотишдан тушган пул олиб қўйилди ҳамда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонуний чора кўриш учун туман солиқ инспекцияларига топширилди.

Хусусан, фуқаро Вали Маҳкамов Юнусобод тумани Хуршид кўчасида жойлашган 11-пуллик автомобиль қўйиш жойида канистрларга солинган 320 литр А-80 маркали Қозоғистон бензинининг ҳар литрини 23 сўмдан сотаётганда тўхтатилди. О. Мирзохонов 90 литр, Ҳ. Ҳасанов 100 литр, К. Тожиев 100 литр бензинни А. Темур кўчаси ёқасида 13 сўмдан сотаётганда ушланди.

Тошкент халқа йўли айрим фуқаролар учун текин даромад топиш учун энг қулай жойлардан бири бўлиб қолмоқда. Рейд пайтида халқа йўл ёқасида фуқаро Шерзод Ғуломов 315 литр, Анвар Абдубоқиев 60 литр, Ш. Рўзибоева 280 литр бензинни 13-15 сўм оралиғидаги нархларда сотишаётганда тўхтатилдилар.

Акмал Икромов тумани Журжоний кўчасида бензин сотаётган фуқаро Р. Ҳасанов ва Т. Мамарасуловларнинг ҳар биридан 70 литрдан, жами 140 литр бензин тортиб олинди.

«Алгоритм» мавзесида С. Абзаловдан 80 литр, Х. Алимуҳаммедовдан 50 литр бензин ноқонуний тарзда кўча ёқасида сотилаётганда олиб қўйилди...

Солиқ идоралари томонидан мунтазам текширув ва тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамасдан баъзи бир фуқароларнинг ноқонуний тарзда бензинфурушлик билан шуғулланиш ҳолатлари камаймаяпти. Бензинфурушликка чек қўйиш мақсадида, бизнингча, қатъий чоралар кўриш лозим. Жумладан:

а) Республика ташқарисидан Ўзбекистон ҳудудига фуқаролар томонидан олиб киришга рухсат этиладиган ёқилғи миқдори (масалан, 40 литр) белгиланиб, шундан ошиқчасига бож тўлови ёки акциз солиғи белгилаш;

б) Нефть маҳсулотлари нархини бошқа республикалардаги нефть маҳсулотлари нархига тенглаштириш масаласини кўриб чиқиш;

в) нефть маҳсулотлари сифати даражасини яхшилаш, аҳолига юқори маркадаги бензинларни сотишни кўпайтириш;

г) Ёқилғи қуйиш шохобчалари ишини ёқилғи сифати ва хизмат даражасини тубдан яхшилаш;

д) Қўлда нефть маҳсулотлари сотганлик учун жазо чораларини қаттиқлаштириш ёки буни ҳам тадбиркорлик фаолияти тури сифатида тан олиб, қайд гувоҳнома ёки патент жорий қилиш ва ёқилғи сотиш учун тегишлича жой, шарт-шароит ва бошқа талабларни ишлаб чиқишни ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ибодулла ЎСАРОВ,
республика Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати ходими.



" Айни парваришни кучайтирадиган пайт келди" —дейди тажрибали пахтакорлар Н. Бобоназаров билан О. Рўзиқулов. Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

Биз шундай халқмиз

ЭНГ ҚИММАТЛИ ТАДҚИҚОТ

ЁХУД АРАБ ПОЛКОВНИГИ АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА НИМАЛАР ЁЗГАН ЭДИ?

Бундан олти йил муқаддам — 1990 йилда Ливаннинг пойтахти Бейрутдаги «Дор ан-Нафоис» матбаасида «Буюк саркардалар» серияси остида ҳарбий тарих буйича етук олим, истеъфодаги полковник Муҳаммад Асадуллоҳ Сафонинг «Темур» номли илмий-оммабоп асари чоп этилган эди. Китоб охирида ёзилган сунгги сузга биноан муаллиф узоқ йиллар Сурия армиясида юқори лавозимларда хизмат қилган, ҳарбий мавзуларда бир неча китоблар ёзган, ҳозирги вақтда эса «Ад-Дифаъ ал-исломий» («Исломий мудофаа») номли мажалланинг бош муҳаррири вазифасида ишларкан.

Муҳаммад Асадуллоҳ Сафонинг йигирма саккиз бобдан иборат бу йирик асари, айтиш мумкинки Амир Темур даври, унинг ҳаёти ва фаолиятига, айниқса ҳарбий маҳоратига (бу хусусда китоб муқаддимасида ҳам айтилган) бағишланган араб тилида ёзилган йирик тадқиқотлардан биридир.

Биринчи боб Моваруннаҳрнинг ери, суви, иқлими, жўғрофий хусусиятларига оид умумий тарздаги маълумотларни қамрайди. Ушбу воҳанинг қадимдан бошланган тарихи ҳақида ҳам кўп қимматли маълумотлар келтирилади. Моваруннаҳрнинг жўғрофий ўрни, унинг йирик шаҳарларига тўхталади. Асарнинг иккинчи боби тарихий маълумотларни қамраб олиб, унга Моваруннаҳрнинг араблар томонидан истило этилиши, улардан кейин бу ўлкада ҳукм юритган форслар, туркlар, жалоирийлар, музаффарийлар, картлар, туркманлар, шунингдек Ҳиндистон, Хитой) йирик сулолалар ҳақида ҳам мухтасар ҳолда ёзилган таъриф-тавсифлар келтирилади.

Учинчи боб эса «Амир Темур таваллудидан олдин Моваруннаҳрдаги ички сиёсий вазият» деб аталган. Номидан ҳам кўриниб турганидек, унда XIV асрнинг биринчи ярмида Моваруннаҳрдаги мураккаб сиёсий вазият, мўғул босқинининг хилма-хил асоратлари, уша пайтда минтақада ҳукм сурган шахслар, муносабатлари — 1362-1365 йилларда юз берган воқеалар тадрижий равишда берилади. Амир Темур билан амир Ҳусайн ўртасидаги кураш, хусусан 1365-1364 йилар можаролари амир Ҳусайннинг қатл этилишидан кейинги воқеалар, Амир Темур 1370 йилда ҳокимият тепасига келгач ўз мамлакатининг турли томонларида у амалга оширган катта бунёдкорлик, ободончилик ишлари, Соҳибқироннинг Хоразм, Эрон, Гуржистон, Арманистон, Олтин Ўрдага қилган ҳарбий юришлари ҳақида сўз боради. Шу мавжуд жамият ҳақида фикр юритилади. Туртинчи боб «Темур ибн Тарағай» деб аталиб, унинг насл-насаби, таваллуд топган Хўжа Илғор қишлоғи, ёшлиги, мадрасада таълим олиши, у ёқтирган машғулотлари ва Амир Темурнинг ҳаётига доир муфассал маълумотлардан иборат.

Асарнинг кейинги бобларида Соли Сарондаги воқеалар, Амир Темурнинг уйланиши, Амир Темур ва Тўғлуқ Темур мурдан нажот излаб унга мурожаат қилиши ва шунга биноан Соҳибқирон Ироқ заминида амалга оширган ишлар ҳақида аниқ маълумотлар келтирилади. Шунингдек, Амир Темур билан Олтин Урда хони Тухтамиш ўртасидаги муносабатлар, охир оқибатда Тухтамишни мағлубиятга учраши ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Соҳибқироннинг Ҳиндистонга юриши ҳақида асарнинг йигирма биринчи бобида ҳикоя қилинади.

Амир Темур билан Миср султонлари аз-Зоҳир Барқуқ ва унинг вафотидан кейин ҳокимиятга келган ўғли ан-Носир Фараж ўртасидаги алоқалар ва шу жараёнда бўлиб ўтган воқеалар асарнинг йигирма учинчи бобида келтирилади. Ушбу бобда Мисрда мамлуклар давлатининг вужудга келиши, Амир Темур қўшинларининг Дамашқ, Ҳалаб, ва бошқа Шом шаҳарларини фатҳ этиши вақтида содир бўлган воқеалар, Миср ва Шомдаги ноиблар ва амирлар ўртасида узлуксиз давом этган ихтилоф ва келишмовчиликларнинг оқибати хусусида муаллиф холисона фикрларини келтирган.

Амир Темур ва турк султони Боязид Елдирим ўртасидаги муносабатлар, икки томон ўртасидаги ёзишмалар, икки қўшин ўртасида Анқара яқинида юз берган ҳал қилувчи жанг ва Боязиднинг енгилиши ҳақида муаллиф батафсил ҳикоя қилади.

Амир Темурнинг Хитой сари юриши ва Соҳибқироннинг вафоти, ундан кейин Моваруннаҳрда юз берган воқеалар ҳақида ҳам муфассал маълумотлар келтирилади.

Рисоланинг охирида Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги ўрни, айниқса унинг турли мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқни йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари алоҳида таъкидланади. Унинг ҳарбий соҳадаги улкан ислоҳотлари, бу борада у жорий қилган янгиликлар ва кашфиётлар аниқ маълумотлар ёрдамида кенг кўламда шарҳланади. Соҳибқироннинг сиймоси, унинг ҳулқ-атвори, табиати, юксак инсоний фазилатлари, унинг диний қарашлари ва дин аҳлига бўлган муносабати каби масалалар махсус бир бобда ўз ифодасини топган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, араб олимининг мазкур асари Амир Темур ҳазратларининг жўшқин ҳаёти ва серқиррали фаолиятини ҳар томонлама ўрганишда қимматли тадқиқотлардан бири сифатида хизмат қилади.

Убайдулла УВАТОВ,
Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

UZBEKISTON OVOZI TIMES

№ 10 • August 10–16, 1996 • Saturday



PRESIDENT-TO-PRESIDENT MESSAGE

U.S. President Bill Klinton sent a letter to President Islam Karimov expressing his pleasure at having been able to host him at the White House. He wrote he would make every effort to help Uzbekistan establish closer cooperative ties with the West.

AMNESTY DECLARED

President Islam Karimov signed a decree "On Amnesty in Connection with the Fifth Anniversary of the Declaration of Uzbekistan's Independence". In accordance with the decree, 1. the following prisoners will be freed:

a) World War Two veterans and Chernobyl disaster volunteers;
b) women and minors;
c) men over 60;
d) first and second class invalids;
e) persons convicted for the first time to three years;
f) persons convicted for the first time to five years if they have served not less than one third of their sentence;
g) persons convicted to ten years for negligence if they have served not less than half of their sentence.

2. The decree also mandates halting all cases in progress and all court cases still pending which were committed prior to the decree for:

a) persons mentioned in items a through d above;
b) persons whose crimes suggest they are not of great danger to society.

3. The decree also reduces sentence terms for:
a) persons convicted for the first time of intentional crimes to no longer than five years and for those convicted of crimes due to negligence to half their remaining original sentence;
b) persons convicted of intentional crimes for over five years to three-fourths of the remaining original sentence.

The decree does not apply to persons convicted of grave crimes and will be effective from the date of its publication, within four months.

PRESENTATION OF PRESIDENT KARIMOV'S NEW BOOK IN MOSCOW

The Embassy of Uzbekistan in Russia played host to a presentation of President Karimov's new book, "Stability and Reform", which was attended by GOR officials, members of diplomatic missions in Moscow, the Uzbek diaspora and the mass media. The book has been published by the international publishing house "Paleya" as part of the series "Leaders of the Nations -XX Century".

DECREE OF CABINET OF MINISTERS

The Cabinet of Ministers signed a decree "On Measures for the Perfection of Agrochemical Servicing of the Agricultural Industry".

EMBROIDERY BEAUTIFUL AND ORIGINAL ADORNMENT




In Uzbekistan, embroidery is one of the most popular folk crafts. Since ancient times it has been famed for its beautiful patterns, a pleasant combination of bright and soft colours and intricate needlework. For centuries embroideries have decorated interiors, traditional folkwear and other objects.

A bride's dowry always included articles adorned with amazing national embroidery. Many of them were believed to have a magic capacity for protecting the owner and his or her family from the evil eye and evil spirits. Under an embroidered shawl, the bride was brought into the groom's home, the walls in the room of the newlyweds were decorated with embroidered wall-hangings, and embroidered spreads covered their beds. These large embroidered panels are known under the common name of "suzane" which simply means "needlework".

The assortment of machine-embroidered articles is diverse. They include gulkurpa, suzane, zardaval, kirpich and palyk. The production of these articles cannot be done by machine since they must retain a high articles and technical standard as well as their unique flavour.

Patterns for embroidery are created by folk craftsmen and professional painters. The needlework can be done on various fabrics, but usually velvet or sateen is used. Embroidery on velvet is especially impressive and dramatic making it in great demand.



C.I.S.BANK FOUNDED

A new bank "Mezhgosbank", (Inter State Bank) founded by ten C.I.S. states (including Uzbekistan) will be established in Moscow. With an authorized capitalization fund of five billion rubles, Mezhgosbank will assist the C.I.S. states in investing in projects and settling debts between C.I.S. state enterprises. Georgia and Azerbaijan have not joined the bank.

EVIL GROW, EVIL HARVEST

Nineteen drug dealers from Samarkand have been exposed, tried and sentenced. They grew narcotics in the mountains, processed them into 345 kgs of opium and attempted to market them in Turtkul.

LOSS IN UZBEK LITERATURE

The great Uzbek poetess Zulfiya passed away Friday at the age of 82. She was the wife of the late classical poet Khamid Olimjon. Streets, squares and a metro station in Uzbekistan carry his name. There is also a monument for him in the center of Tashkent.

MILITARY WOMAN

Tashkent customs officers discovered a "real arsenal" while examining the luggage of one woman, a citizen of Russia. She attempted to carry 18 flares, 80 bullets, explosives, a hunting gun and dozens of more items used for military purposes only.

CHARITY FROM INDONESIAN EMBASSY

A children's club in Tashkent received audio and video equipment from the Embassy of Indonesia. The club is a home for disabled children, orphans and those from disadvantaged families.

ONE SILVER AND ONE BRONZE

The Uzbekistan National Olympic Team has finished its participation in Atlanta with one silver and one bronze received in judo and boxing respectively.

MEN TALK

Uzbek karate men have returned from the All-Style World Championship in Las-Vegas. In a finals match Kojankul Khodjakulov (75 kg weight class) lost to an American athlete and received the silver.

HUMAN CIVILIZATION BEGAN IN BUKHARA?

Australian scholars intend to conduct research in Bukhara, looking for data to buttress a new theory on the creation of human civilization.

MISS MALIBU IN TASHKENT

The newly opened bar "Emir" and the "Quick Stop Group" company, the only suppliers of Malibu liquor in Uzbekistan, are planning to hold a beauty pageant, "Miss Malibu," this month in the bar. The grand-prize-winner will go to the Caribbean for a week-long cruise.

CONSERVATIVE GOLDWATER PRAISES CLINTON, SUPPORTS DOLE

TUCSON, ARIZ.

Although GOP conservative Barry Goldwater endorsed Bob Dole for president, he says Democratic President Clinton is doing a good job. When asked what he thought of this year' s election and who might win, the 87- year-old Goldwater drew laughter from the audience when he said, "I would first vote for Dole if he was the only one running..." Goldwater went on to explain his feelings for Clinton, saying "I don't have to get in bed with him. But I think he's a good president and he has a very good wife."



VOTERS:CLINTON WILL HANDLE ECONOMY BETTER

WASHINGTON

With Bob Dole poised to unveil his economic and tax package, a poll shows more Americans think President Clinton would do better handling the economy that Dole. The U.S. News World Report survey found Clinton leads Dole 49% to 36% with 15% undecided. Asked who they thought "would do a better job handling the economy," 46 % said Clinton, 40% said Dole and 1% said they would do equally well. Eight percent were unsure and 5% said "neither". The poll of 1,000 registered voters was conducted by Celinda Lake of Lake Research and Ed Goeas of the Tarrance Group on July 21-23. The margin of error was plus or minus 3.1 percentage points.

DOLE WILL PROPOSE 15% TAX CUT IN ECONOMIC PACKAGE

WASHINGTON

In an attempt to get the spark back in his campaign, Bob Dole decided Sunday to sweeten his economic package with a call for a 15% across- the- board tax, cut his advisers said. He will formally unveil his tax plan, which the campaign claims would cost $ 548 billion over six years, on Monday in Chicago. The plan was immediately attacked by the Clinton administration. Vice President Al Gore said it would "blow a hole in the deficit".

POLL FINDS AMERICANS RECEPTIVE TO LAMM PRESIDENTIAL BID

NEW YORK- Americans who have heard of Richard Lamm's presidential bid favor him slightly over Ross Perot to be the nominee of Perot's Reform Party, a national poll finds. Among the 54% who have heard that Lamm is running, 40% would rather see him as the Reform Party candidate and 33% prefer Perot, according to the survey conducted July 25-28 for the Pew Research Center for the People and the Press. Lamm was even tied with Perot among those who said they voted for Perot four years ago, the survey found.

ABORTION DEBATE COULD DISRUPT GOP CONVENTION

WASHINGTON

As the Republicans gear up for their national convention, there is a good chance things will turn nasty over abortion. Delegates who want to keep strong anti- abortion language in the Republican Party platform will have the upper hand when platform committee meeting start Monday, a survey by The Associated Press indicates . According to the survey, 41 members of the committee said they wanted to keep the platform language. Another 31 members said they wanted to remove the plank, 11 said they did not know,17 refused to answer the question and seven conld not be reached.

ISRAELI MINISTER SENDS ARCHAEOLOGISTS PACKING

MODIIN, ISRAEL. Israel's deputy housing minister has evicted archaeologists from the country's largest construction site, exacerbating fears that newly elected Orthodox leaders are imposing their values on the rest of the country.

JUVENILE CRIME RATES SHOW FIRST DROP IN DECADE

WASHINGTON

The nationwide arrest rates of youths for murder and for overall violent crimes declined last year for the first time in a decade, Attorney General Janet Reno says. Reno released preliminary FBI figures Thursday which show murder arrest rate for youths aged 10 to 17 declined last year for the second year in a row. The figures also show that 511.9 juveniles per 100,000 were arrested for a violent crime last year, a 2.9% decline from the 1994 figure of 527.4.

TWIN ALREADY ABORTED IN BRITISH CASE THAT CREATED FIRESTORM OF CONTROVERSY.

LONDON. After a public clamor and offers of cash to prevent a woman from aborting one of the twins she was reportedly carrying, a hospital agency revealed today that the fetus had already been aborted.

HOUSE PASSES ANTI-TERRORISM BILL

WASHINGTON

The House passed a Republican anti-terrorism bill Friday that excludes President Clinton's proposals to expand wiretapping authority but establishes new airport security measures. The rejected wiretap provisions were part of a more comprehensive, bipartisan package negotiated this week by administration, key House and Senate members. The proposals were inspired by the Olympic bombing and TWA explosion. House leaders gave up Thursday trying to enact a broader package before Congress' weekend recess.

U-2 SPY PLANE CRASHES IN CALIFORNIA

OROVILLE, Calif.

A U-2 spy plane crashed into a parking lot next to a downtown building, killing the pilot and at least one person on the ground. Air Force officials said the plane went down about 2:15 p.m. local time in a parking lot next to the Oroville Mercury-Register. Oroville is about 60 miles north of Sacramento.

SOMALIA'S NEW PRESIDENT HAS AMERICAN WAYS, BUT SOMALI ROOTS

MOGADISHU, Somalia. Hussein Mohamed Aidid doesn't look exactly at home in Villa Somalia, the official residence of Somali leaders for the past 36 years.

'PRIMARY COLORS' AUTHOR BACK AT "NEWSWEEK"

WASHINGTON

Joe Klein, the once-anonymous author of the political novel Primary Colors, returns to Newsweek magazine as a columnist in the upcoming issue. Less than two weeks ago, the weekly's editor in chief, Richard M. Smith, told the staff that he had asked Klein to take a few weeks off to reflect on his repeated public denials that he had written the book. Klein was also asked to meet with staff members to hear their criticism of his actions. Smith wrote that the magazine accept Klein's regrets and that "we think readers are entitled to hear this superb commentary." More than a million copies have been sold of Primary Colors, the fictionalized behind-the-scenes account of the 1992 presidential campaign-spiced with sex and an unflattering picture of a political couple that many reviewers said resembled the Clintons.

NEARLY 200,000 SRI LANKA REFUGEES FACE HUNGER

COLOMBO,Sri Lanka. Food and water were running out for 200,000 Tamil refugees fleeing a Sri Lankan army assault Tuesday as relief shipments to the northern mainland remained stalled for the third week, aid workers and officials said.

CHINA SEES PROGRESS IN NUCLEAR TEST BAN TALKS

GENEVA. China's ambassador said on Tuesday that he saw progress towards reaching a global nuclear test ban treaty, as Western envoys began to predict a breakthrough in bringing Beijing fully on board.

WHITEWATER INVESTIGATORS SHIFT FOCUS OF INVESTIGATION

WASHINGTON

Whitewater prosecutors struck at President Clinton's closest aide and missed. But away from this week's courtroom drama, they have been intensifying a part of their investigation that hits more directly at the president and first lady. The lawyers spoke only on condition of anonymity. But prosecutors have publicly signaled their investigation is likely to stretch well beyond Election Day. "There are a lot of things still on the plate," deputy prosecutor W. Hickman Ewing has said.

ҲУРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

Ҳурматли тадбиркорлар, фермерлар, корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар раҳбарлари!

"ЎЗАВТОТЕХХИЗМАТ"

акциядорлик бирлашмаси


Асакада ишлаб чиқарилган "ЎзДЭУавто" автомобиллари илк бор сотувга чиқиши муносабати билан Сизларни табриклайди.

Марҳамат қилиб 1996 йил 10 августдан бошлаб янги автомобилларни республикамизнинг барча марказларидаги ва Тошкент шаҳридаги бизнинг корхоналаримиздан харид қилишингиз мумкин.

NEXIA
GL

Кузови: 4 эшикли седан
Узунлиги - 4482 мм
Эни - 1662 мм
Баландлиги -1393 мм
База - 2520 мм
Клиренс -165 мм
Ўз оғирлиги -980 кг
Йўловчилар сони - 5 та
Макс.тезлиги -170 км/с
Бурилиш радиуси - 4,9 м
Узатмалар ўзгартириш қутиси - механик
Узатмалар сони -5 уз.
Двигатели - 4цил., ёнилғини электрон пуркаш
Ишчи ҳажми - 1.498 куб.см
Двигатель қуввати от кучи (айл/мин) -90 о.к. (5.400)
Ёнилғи баки ҳажми - 50 л
Ёнилғи сарфи 100км. га - 8,8 л
Двигатель мойининг тури -SAE/SF 3,75л
Аккум. батарея 12V-55Ac
Автошина ўлчами -175/70R13T
Тормози: Гидравлик вакуум кучайтиргич
олдидаги дискли, орқадаги барабан.
Рул бошқаруви - рейка -шестерня
Қўшимча жиҳозлари, комфорт қулайликлари: кондиц., рул механизмининг кучайтиргич, ойнакўтаргич, марказий қулф, ён томон зарбидан ҳимоя






TICO
DLX

Кузови: 5 эшикли хэтчбек
Узунлиги-3340мм
Эни-1400мм
Баландлиги-1395мм
База-2335мм
Клиренс-160мм
Ўз оғирлиги-620 кг
Йўловчилар сони-5та
Макс.тезлиги-143 км/с
Бурилиш радиуси-4,4 м
Узатмалар ўзгаритириш қутиси-механик
Узатмалар сони -5 уз.
Двигатели-3та цил. карбюраторли
Ишчи ҳажми-796 куб.см
Двигатель қуввати, от кучи (айл./мин)-41 о.к. (5.500)
Ёнилғи баки ҳажми - 30 л
Ёнилғи сарфи 100 км.га - 4,2 л
Двигатель мойининг тури -SAE/SF 3 л
Аккум. батарея - 12V-28Ac
Автошина ўлчами - 135SR12
Тормози-Гидравлик вакуум кучайтиргич олдидаги-дискли, орқадаги-барабан.
Рул бошқаруви-рейка-шестерня
Қўшимча жиҳозлари, комфорт қулайликлари: кондиц.ва радио, магнитофон тонир.. ойна

DAMAS
DLX


Кузови: 5 эшикли микроавтобус
Узунлиги-3230мм
Эни-1400мм
Баландлиги-1920мм
База-1840мм
Клиренс-160мм
Ўз оғирлиги-810кг(авт) , 750кг (фург)
Йўловчилар сони-7та (авт), 2та (фург)
Макс. тезлиги-115км/с(авт), 100км/с (фург)
Бурилиш радиуси-4,3м
Узатмалар ўзгартириш қутиси-механик
Узатмалар сони-4уз
Двигатели-3та цил. карбюраторли
Ишчи ҳажми-796 куб.см
Двигатель қуввати, от кучи (айл./мин)-38 о.к.(5.000)
Ёнилғи баки хажми-37л
Ёнилғи сарфи 100км.га-4,12-6,5л
Двигатель мойининг тури-SAE/SF 3,2л
Аккум. батарея-12V-28Ac
Автошина ўлчами-115R12
Тормози-Гидравлик вакуум кучайтиргич олдидаги-дискли,
орқадаги-барабан.
Рул бошқаруви-рейка шестерная
Қўшимча жиҳозлари, комфорт қулайликлари: кондиционер, радио-стерео, магнитофон



Маълумотлар учун телефонлар:
79-46-63, 79-49-66, 58-33-59, 54-77-71, 54-47-78. Факс: 55-47-15.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!



Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Халқаро Амир Темур жамғармасининг пул-ютуқли «ХАЗИНА» лотереясини сотиб олингиз!

Лотереянинг баҳоси – 25сўм.

Ушбу лотерея ўйинида:

5та	1000000	сўмлик
10та	700000	сўмлик
5та	200000	сўмлик
5та	100000	сўмлик
5та	50000	сўмлик
10та	20000	сўмлик
25та	10000	сўмлик
50та	5000	сўмлик

ВА ҲОКАЗО ЮТУҚЛАР БОР!

Лотерея тиражи 1996 йил 29 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тиражда 50 миллионлик ёки 493165 дона ютуқлар бор.

Лотереяни 25 сўмга сотиб олиб, Сиз катта нарса йўқотмайсиз, балки ютуқ эгаси, миллионер бўлиб энг бахтли ва бадавлат одам бўласиз.

Лотереядан тушган даромад нафақат Амир Темур, темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш,уни кенг тарғиб этиш, ўша замонларда бунёд этилган обидаларни тиклаш ва таъмирлашга, балки ота-боболаримизнинг улкан меросини халқимизга етказиб беришдек хайрли ишларга ва Халқ банки ривожланиши учун сарф этилади.

Уни Халқ банкларининг барча бўлимларидан ва жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.


СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ
ВА ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИ

"АЗИЯ-ОИЛ-ЭКОГЕОТ"
компанияси

пул ўтказиш йўли билан
Голландиянинг АИ-95,
Қозоғистоннинг А-80, А-91 бензинини,
дизель ёнилғисини (Қозоғистон)
СОТАДИ

Шунингдек, уларни сақлаш ва қуйиб бериш хизматларини ҳам кўрсатади.
Кенг турдаги
автошиналар ва аккумуляторлар,
Финляндиянинг
15 W 40 *мотор мойи,*
Хитойнинг паркет линолеуми ҳам мавжуд.



Манзил:
Тошкент, Пушкин кўчаси,59.("УзНИИПРОЦВЕТМЕТ")
I-қават, "Ҳамид Олимжон" метро бекати
Телефонлар: (3712)68-56-41, 68-16-41, 36-00-45.

ХАЛҚ БАНКИ ОМОНАТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютамиз сўмнинг қадри ошиб бориши муносабати билан 1996 йил 1 августдан талаб қилиб олингунча омонати бўйича фоиз ставкасини йилига 20% миқдорида белгиланганлигини маълум қилади.

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан пул ўтказиш йўли билан
ХОРИЖИЙ АВТОШИНАЛАРНИ:
175/70 R13 ("Жигули", "Москвич" ва ҳ.)
205/70 R14 ("Волга" ва ҳ.)
215/60 R16 ("Нива" , джиплар ва ҳ.)
СОТАДИ
Бошқа шаҳардан келган харидорларга автошиналарни манзилга етказиб бериш ташкил этилади.

Телефонлар: 68-19-32, 68-28-66.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МУСИҚАЧИЛАР ТАРБИЯЛОВЧИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ
1996-1997 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси вилоят ва туманлари ҳамда Тошкент шаҳридан 5-синфни битирган ўқувчи-ўғил болаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар ўқиш мобайнида қуйидаги мусиқа мутахассислигидан билим оладилар: кларнет, флейта, фагот, габой, труба, баритон, валторна, туба, трамбон ва карнай-сурнай, ноғора, доира.

Мактаб-интернатини битирган ўқувчиларга тўла ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома ва мусиқа гувоҳномаси берилади. Вилоятдан келган ўқувчилар: ётоқхона, 4 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ўқув қуроллари билан бепул таъминланадилар.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, ота-онаси иш жойидан ва турар жойидан маълумотнома, ўқувчини эмлатиш тўғрисида ва соғлиғи тўғрисида тиббиёт кўрик маълумотномаси.

МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲАР, ҲАМЗА ТУМАНИ,
"ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ" МАВЗЕСИ, 2-КВАРТАЛ, 28-УЙ

АВТОБУСЛАР: 110, 119, 106, 161. " ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ" БЕКАТИ.
(ТУЗЕЛ)
ТРАМВАЙ: 29, 6.
ТЕЛЕФОН: 97-96-40.


RENTING
There in 3 roomed flat for renting in Darkhan.
For more information contact:
tel: 67-47-11, 67-08-00

"ОСИЁ-ВОЛГА"

минтақалараро маркази

пул ўтказиш йўли билан қуйидаги автомобилларни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини

УАЗ-31514-032	*УАЗ-31512*
УАЗ-31514-012	*УАЗ-3909*
УАЗ-31514-031	*УАЗ-3962*
УАЗ-31512-027	*УАЗ-2206*




СОТАДИ.

Ҳақини рус рублида, қозоқ тенгесида ҳам тўлаш мумкин.

Тел/факс (3712) 41-52-41,
41-58-51, 36-00-08.

AN INSERT TO OUR "UZBEKISTON OVOZI"
(The Voice of Uzbekistan) NEWSPAPERS IS ALWAYS AT YOUR SERVICE

One of the leading in Uzbekistan, "Uzbekiston ovozi", has an increasing number of readers across the country. Foreign companies and organizations are showing great interest in advertising in our newspaper. That's the reason why the editorial office is working hard to prepare ads in Uzbek, Russian, English and other foreign languages.
You are always welcome should you have any questions concerning ad placement.
Our address:
Matbuotchilar str. 32, Suite 343-344, Tashkent
Phone: 33-38-55
Fax: 33-79-14



The "Uzbekiston ovozi–times" is ready to work with you!

Editor-in-chief *Azim SUYUN*

Deputy of Editor-in-chief *Alisher RUZIEV,*
Managing editor *Narzulla SHANIYAZOV,*

Editorial Board: *Asliddin BOLIEV, Alimkul SULTONOV,*
Design and computer layout *Gulshan ASADOVA.*

For placing of ADVERTISEMENT please call by tell: 33-38-55, 33-54-55 or send fax: 33-54-55.

Printed by the "Shark" publishing-printing concern. 41, Buyuk Turon st.

Олий таълим ва фан-техника тараққиёти

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

Тошкент кимё-технология институти ҳар йили кимё саноати, озиқ-овқат саноати ташкилот ва корхоналарида ишлаш учун тўрт юздан ортиқ юқори малакали мутахассислар тайёрлайди. Шунингдек, институт жамоаси фан ва техниканинг муҳим йўналишларида юздан ортиқ мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боради. Тадқиқотларнинг асосий қисми кимё ва кимёвий технологиялар; органик, анорганик ва ўсимлик моддалари; полимерлар ва композицион материаллар; биоорганик кимё; озиқ-овқат маҳсулотлари ва технологиялари соҳасидаги фундаментал ва амалий ишларга оиддир. Деярли ҳар бири мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги иқтисодий ислоҳотлар, эртанги фаровон ҳаётимиз учун асқотадиган бундай илмий ишланмаларни амалга ошираётган мазкур олий ўқув даргоҳи ҳаёти билан яқиндан танишиш истаги туғилди.



— Нусрат Аъзамович, аввало ўзингиз ҳақингизда гапирсангиз.

— Одам ўзи ҳақида гапириши қандайдир ноқулайроқ, — дея домла иш столи устида тахланиб ётган папкалар орасидан ўзи ҳақидаги маълумотномани топиб, менга берди. Унга кўз югуртираман.

Академик Нусрат Парпиев 1931 йил туғилган. Талабалиги Ўрта Осиё Давлат университетида, аспирантлиги Москва Давлат университетида ўтган. Унинг ҳосиласи ўлароқ эллик саккизинчи йили кимё фанлари номзоди, орадан ўн олти йил ўтгач, ноорганик кимё мутахассислиги бўйича докторлик диссертациясиңи ҳимоя қилган. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги. Ҳозирги вақтда Тошкент кимё-технология институти ректори. Оилали. Умр йўлдоши ҳам кимё фанлари номзоди, доцент. Қизи тиббиёт фанлари, ўғли — техника фанлари номзоди.

— Домла, айтингчи, сиз раҳбарлик қилаётган олий ўқув юртида четдан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини босадиган, жаҳон бозорида рақобатбардош илмий ишланмалар яратиш мумкинми?

— Албатта мумкин. Институт профессор ва ўқитувчилари, илмий ходимлари четдан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини босадиган, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган илмий ишланмалар яратиш бўйича кимё ва кимёвий технология, органик ва ноорганик маҳсулотлар, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ишлов бериш ва бошқа йўналишларда илмий изланишлар олиб боряптилар. Бу илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг бир қисми республикамиз халқ хўжалиги, корхоналарида ишлаб чиқаришда қўлланилиб, иқтисодий самара ҳам берди. Мазкур ишларни бажаришга институтнинг ноорганик моддалар ва электр кимё ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, силикат моддалар технологияси, органик кимё ва бошқа қатор кафедраларда, «Госсипол» ТИТЛ (тармоқлараро илмий-тадқиқот лабораторияси)да яхши эътибор берилмоқда. Мазкур кафедраларда ёғ-мой заводларини тайёрлаш бўлимининг янги, энергетик самарадор технологияси, картошка, сабзи ва бошқа сабзавотларнинг пўстлоғини тозалашнинг янги усули, сувли дисперс бўёқ, ацетилен қуруми, коррозия ингибитори ва каучукнинг вулканланишини тезлаштирувчилар, томат пастасини олиш усуллари ва бошқа рақобатбардош илмий ишланмалар яратилди.

— Саноат чиқиндиларидан янги материаллар олиш устида қилинаётган ишлар бугунги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади, шундайми?

— Дарҳақиқат, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида йилига 600-800 тонна миқдорда ҳосил бўлаётган чиқинди — кротон альдегид асосида хлорид кислотали ва водород сульфидли муҳитда металлар коррозиясини бартараф қилувчи — ингибиторлар олиш технологияси яратилди. Ингибиторни ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча ҳужжатлар тайёрланди. Республикамиз газ ва нефть саноатининг бу турдаги ингибиторларга бўлган эҳтиёжи ҳозирги кунда 600 тоннадан ортиқни ташкил этади. Вахоланки, ҳозирги кунгача уни МДҲ давлатларидан жуда қиммат нархларда келтирилмоқда. Олинган янги ингибиторнинг нархи четдан келтирилаётганларга нисбатан 2,5-3 марта арзон. Ўтган йилларда унинг тажриба намуналари ишлаб чиқарилиб, синовдан ўтказилганди. Бу йил эса 60 тонна ингибитор ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Маълумки, республикамизда резина-техника саноати яхши ривожланган. «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент резина-техника буюмлари, «Тошкенткабель» каби корхоналарда резина асосида юзлаб халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилади. Республикамизда резина буюмлар ишлаб чиқариш учун зарур хом ашёлар бўлмаганлиги сабабли, уларнинг ҳаммаси МДҲ давлатларидан келтирилади. Резина ишлаб чиқаришда зарур бўлган бирикмалардан бири каучук вулканланишини тезлаштирувчи ҳисобланади. Эндиликда ўзимизда маҳаллий хом ашё ва чиқиндилар асосида каучук вулканланишини тезлаштирувчиларнинг янги турлари ишлаб чиқилди ва уларни ишлаб чиқариш технологияси яратилди. Текширишлар натижасида янги каучуклар вулканланишини тезлаштирувчилар ўз хоссалари бўйича шу кунгача четдан келтирилаётган альтакс, каптакс каби бирикмалардан устун туриши, таннархи икки-уч марта арзон эканлиги исботланди. Бу бирикмаларнинг тажриба намуналари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда уларнинг янги турларини кенг кўламда ишлаб чиқариш учун тайёргарлик олиб борилмоқда.

— Айрим ишларда тиббиёт билан ҳам боғлиқлик борга ўхшайди...

— Тўғри англабсиз, физикавий ва коллоид кимё кафедрасида профессор Ғаффор Раҳмонбердиев раҳбарлигида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида тиббиёт соҳаси учун зарур бўлган материаллар ва моддалар олинади. Жумладан, целлюлозанинг сувда эрийдиган ҳосилаларига кичик молекулали дори-дармонларнинг таъсир вақтини узайтириш мақсадида уларни кимёвий боғлар билан боғлаб физиологик актив полимер моддалар олинди. Улар қон тўхтатадиган, вирусларга қарши ишлайдиган, интерферонларнинг активлигини оширадиган ҳамда кўз раки хасталигини тузатадиган хусусиятларга эга. Бу моддалар бир қанча тиббиёт муассасаларида ишлатиб кўрилди ва ижобий хусусиятларга эга эканлиги аниқланди.

— Институтнинг илмий фаолияти ҳақидаги ҳисоботи билан танишганимизда «Ўзбекқоғоз» акционерлик жамиятининг марказий лабораториясида қоғоз намуналари олингани ҳақидаги ахборотга кўзимиз тушди. Бу албатта ўзимизда ўз қоғозимиз бўлишига ишонч туғдиради.

— «Ўзбекқоғоз» акционерлик жамиятида шу пайтгача қоғоз ишлаб чиқариш жараёнида боғловчи модда сифатида МДҲдан келтириладиган полиакриламид моддаси ишлатилар эди. Кейинги пайтда собиқ иттифоқ республикалари орасидаги иқтисодий алоқалар узилиб кетгандан сўнг бу моддани олиб келиш анча қийинлашди. Таннархи бир неча баробар ошиб кетди. Шу сабабдан унинг ўрнини босадиган полиэлектролит моддалар ишлаб чиқариш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу мақсадда «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида полиакрилонитрил олиш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилардан олинган ва сувда эрийдиган полиэлектролит модда «Унифлок» ўрнига боғловчи модда сифатида ишлатиб кўрилганда яхши натижалар олинди. Қоғознинг мустаҳкамлиги бир неча марта яхшиланди. Маҳсулот таннархи арзонлашди. Ҳар ҳолда яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижаси сезиляпти. Ажаб эмас, сиз айтгандек, ўз қоғозимизга ҳам эришсак.

— Домла, Ўзбекистондаги минерал хом ашёлар ва таркибида кремнезем бўлган чиқиндилардан керамик маҳсулотлар олинаётган экан, бу ўша ўзимиз билган сополми?

— Ҳа, худди ўзи. Маълумки, собиқ Иттифоқ таназзулга учрагач, республикалар билан иқтисодий алоқалар узилиб, Ўзбекистонга четдан керамика саноати учун сифатли хом ашёлар келтириш тўхтаб қолди. Шу муносабат билан республикамизда мавжуд бўлган минерал хом ашёлардан ва саноат чиқиндилари бўлмиш иккиламчи ресурслардан унумли фойдаланиш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бирига айланди. Институтимизда илгари саноат миқёсида ишлатилмаган кварц-дала шпати Қизилқум фосфорити гурунч қобиғини куйдириб олинган сунъий кремнезем хом ашёлари асосида турли мақсад учун ишлатиладиган керамика буюмлари олинди ва ишлаб чиқариш шароитида муваффақиятли синовдан ўтказилди. Айниқса, 1994-1996 йиллар мобайнида Ангрен каолинидан унумли фойдаланиш ва бойитилган каолинни экспортбардош эканлигини ҳисобга олиб ҳукуматимизнинг 1995 йил август ойида чиққан қарорини келтиришимиз мумкин. Швейцария фирмаси «Мабетекс» билан ҳамкорликда Ангрен каолинини бойитиш корхонаси янаги йилда маҳсулот бериши керак. Мутахассисларимиз ҳисоб-китобига кўра бир тонна бойитилган каолин 700 АҚШ долларида баҳоланмоқда. Бу корхонанинг рентабеллигини таъминлайди ва Марказий Осиёнинг каолин хом ашёсига эҳтиёжи тўла қопланади, деб айтишимиз мумкин.

— Институтнинг тижорат фаолияти ҳам суҳбатимиздан четда қолмаса дегандим.

— Дарвоқе, тижорат фаолияти ҳақида гаплашадиган бўлсак, улар асосан шундай йўналишлардан иборат: Корхоналарга ёш мутахассисларни тайёрлаб бериш; тугалланган илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш; ишлаб чиқариш корхоналари раҳбар ходимларининг малакаларини ошириш; шартнома асосида илмий ишланмаларни ишлаб чиқариш корхоналари, турли фирма ва кичик корхоналарга сотиш ҳамда кичик корхоналар орқали маҳсулот чиқариш.

Булардан охиргиси ҳақида тўхталиб ўтсак. Ҳозирги кунда институтимизда бешта кичик корхона ва «Кимёгар» технопаркимиз мавжуд. Кичик корхоналардан «Фуранол», «Райҳон» ва «Полимерстройоснастка» кичик корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланган бўлсалар, «Узагрохим» кичик корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш билан биргаликда тижорат фаолияти билан ҳам шуғулланади. «Технохимсервис» кичик корхонаси эса фақат тижорат иши билан фаолият юритади. Улар ўзлари топган фойдаларидан институтга ўтказган маблағи анча-мунча.

Биргина олий ўқув юртида қилинаётган ишлар кўлами, салмоғини кичик суҳбатда қамраб олиш мушкул. Қолаверса, буларни санаб ўтгандан кўра ижобий натижасини кўриш афзал. Фақат янги аср бўсағасида юртимизнинг порлоқ келажаги учун амалга оширилаётган бу ишларга кўз тегмасин деймиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири Умида ФАЙЗИЕВА суҳбатлашди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

ВОСИТАЧИЛАР ХИЗМАТИДАН ВОЗ КЕЧДИ

• *Ҳиндистон Кашмир муаммосининг ҳал этилишида халқаро воситачилар ёки учинчи мамлакатнинг иштирок этишига қатъий қарши чиқмоқда. Бу ҳақда Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигининг хорижий масалалар бўйича котиби Салмон Ҳайдар АҚШ сенатори Хэнк Браун билан бўлган учрашувда маълум қилди. Айрим ахборот воситаларининг хабар беришича, АҚШ сенатори Жамму ва Кашмир вилоятларида мустақиллик учун курашаётган мусулмонлар гуруҳи раҳбарлари билан учрашганидан кейин Деҳлига келган.*

ҚУЗАТУВЧИЛАР ҚИСҚАРАДИГАН БЎЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ироқ ва Қувайт чегарасидаги кузатувчилари сони 245 кишидан 195 кишига қисқартирилади. Бу ҳақда БМТ миссияси расмий вакили Салим Фахмаий маълум қилди. БМТнинг мазкур миссияси 1991 йили, Форс кўрфазидаги уруш тугаганидан сўнг ташкил этилган эди. Расмий вакилнинг сўзларига қараганда, ушбу қисқариш умумий харажатларни камайтириш учун амалга оширилади ва у миссия ишининг сусайишига йўл қўймайди.

ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

• *Жанубий Корея ҳукумати Шимолий кореялик икки фуқаро жасадини КХДРга топширишга розилигини баён этиб, эвазига ўз фуқароси — ёзувчи Ким Ха Гини қайтариб беришни талаб қилди.*

Маълумки, август ойининг бошларида Жанубий Кореянинг назоратчи кемалари номаълум сабаб билан ҳалок бўлган икки денгизчининг жасадини топиб олишган эди. Жанубий кореялик ёзувчи Ким Ха Ги эса, чегарани бузганликда айбланиб, Шимолий Корея томонидан ҳибсга олинганди. Ҳозир унинг устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

ҲАРБИЙ БАЗАЛАР ЧЎЛДА ҚУРИЛАДИ

• *АҚШнинг янги ҳарбий базасини қуриш учун америкалик қурувчилар ва турли соҳа мутахассисларидан иборат гуруҳ Саудия Арабистонига келди. Мазкур гуруҳ АҚШнинг Саудиядаги ҳарбий кучлари учун мамлакатнинг чўл зоналарида янги истиқомат жойлари қуриб беради.*

Пентагон расмий вакили Кеннет Бейконнинг таъкидлашича, Пентагон раҳбарияти сўнгги кунларда содир этилаётган қўпорувчиликлар туфайли ушбу қарорга келган. Ҳарбий базаларнинг йирик шаҳарлардан узоқ ерларга жойлаштирилиши уларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛОВ

• Искандарияда Миср Президенти Ҳусний Муборак ва Сурия давлат раҳбари Ҳафиз Асад ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида икки давлат раҳбари Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масалалари, хусусан, Ливан ва Сурия давлатларининг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини муҳокама қилди. Музокараларда минтақада хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ҳусний Муборак Сурия Президентини қўпорувчиликка қарши кураш концепциясини ишлаб чиқишда Миср билан ҳамкорлик қилишга чақирди.

ЭНГ ЙИРИК ЎҒИРЛИК

• *Жанубий Африка Республикасида мамлакат тарихидаги энг йирик ўғирлик содир бўлди. Бир гуруҳ қуролланган жиноятчилар маҳаллий қўриқлаш компаниясига бостириб кирди ва 40 миллион ранд нақд пулни ўмариб кетди. Бу маблағ АҚШ валютасига нисбат берилганда тахминан 9 миллион долларни ташкил этади. Полиция ҳозирча ўғриларнинг изига туша олгани йўқ. Ҳуқуқ органлари ўғрилар ҳақида маълумот берган кишига жуда катта мукофот ваъда қилган.*

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

• ГВАТЕМАЛА. Гватемала миллий инқилоб бирлигининг исёнкор гуруҳлари мамлакат пойтахтининг марказий бозорида халқни «адолатсизликка қарши кураш»га чорлади. Уларнинг мурожаатида «пулдор ва ҳарбийларнинг неолиберал демократияси»га норозилик билдирилиб, ижтимоий адолат ва эркинликни ҳимоя қиладиган демократик тузум қуришга даъват этилади.

* * *

• ВАШИНГТОН. «Америка Қўшма Штатлари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 986 сонли қарорига овоз бериш ниятида», дея баёнот берди АҚШ давлат департаменти вакили Николас Бернс.

Мазкур қарор Ироқ давлатининг йилига 2 миллиард долларлик нефть ихрож қилишига имкон бериб, халққа кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдамини қоплашга хизмат қилиши керак.

* * *

• БОНН. Германия ва Канада мудофаа вазирлари Фолкер Рое ва Дэвид Колленет Бонида учрашди. Улар НАТОни Шарқий Европа давлатлари ҳисобига кенгайтириш ҳамда ушбу ҳарбий алянсни ислоҳ қилиш, шунингдек, Босниядаги тинчлик жараёни истиқболини муҳокама қилдилар.

* * *

• НЕПАЛ. Тинимсиз ёғингарчиликлар туфайли мамлакат шимолидаги қишлоқларнинг бирида тупроқ 30 кишининг умрига зомин бўлди.

Непал радиосининг хабар беришича, қутқарувчилар ҳозирча 14 кишининг жасадини қазиб олишга муваффақ бўлишган. Табиий офат юзага келтирган фалокат натижалари тўлалигича аниқлангани йўқ.

Маълумки, ўтган ойнинг ўзидаёқ Непалдаги кучли сув тошқини ва тупроқ кўчишлари 174 кишини ҳаётдан олиб кетган эди.

Шунақасиям бўлади

КАЛЛАХУМЛИК ДОРИСИ

САНТА-РОЗА. Маҳаллий фирибгарлар ғалати дорини ташвиқот қила бошлашди. Уларнинг гапига қараганда дори каллани ўстираркан. Ҳатто ҳозиргисидан икки баравар катталашади. Айниқса, балоғат ёшидаги қизлар, усмирлар дорига ружу қўйишди.

Аргентинада каллахум қизлар ўзларини бошқалардан бир поғона юқори тутишаркан.

Начора, балки каллахумлик ҳам гўзалликдир. Ҳар жойнинг ўз удуми борда!

МИРШАБЛАРГА ХУШМУОМАЛАЛИКНИ ТАҚИҚЛАШДИ

ДЕТРОЙТ ШТАТИ. Америкалик миршаблар қонунбузар ёки жиноятчи билан юзлашганда «кунингиз хайрли бўлсин!» деб мурожаат этишарди. Негадир уларнинг хушмуомаласи айримларга унчалик ботинқирамай қолди.

Детройтлик миршаблар бошлиғи ўз зобитларига шундай буйруқ берди: «Миршабларга «кунингиз хайрли бўлсин!» дейишни ман этаман». Бир ҳисобда ҳозиргина полиция маҳкамасига ҳибсга олиб келинган жиноятчига ёки судга чақирув қоғозини олаётган қонунбузарга хушмуомалалик билан «кунингиз хайрли бўлсин!» дейишнинг ўзи ғалатироқда.

— Гарчи бу маданиятлилик ҳисобланса-да, уни бошқачароқ тушунишяпти. Эмишки, биз уларни мазах қилаётган эмишмиз, — дейди бошлиқ бу воқеага изоҳ бериб.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Эстрада қўшиқлари.
9.00 «Замин фидойилари». Телеочерк.
9.25 «Тилга эътибор...»
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Эртаклар яхшиликка етаклар...» «Фотиманинг саргузаштлари». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.00 «Жараён». Публицистик кўрсатув.
11.25 «Фан фидойилари». Академик Теша Зоҳидов.
11.55 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.
13.30 «Камондаги қалб». Мусиқий композиция.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Истиқлол жамоли».
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Солиқ ва бож — иқтисодиётимиз таянчи».
21.25 «Зарчашма».
21.45 «Мусиқа ҳиёбони».
22.05 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нурафшон» — «МҲСК».
00.40 Тунги тароналар.
00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Услуб» (мода янгиликлари).
18.25 «Палитра».
18.55 «Мультфейерверк».
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Курьер».
21.20 «Прайм-тайм».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.30 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўзбектелефильм» таништиради: «Гуллар юртининг дурдоналари».

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.35

*

20.35 «Дорбоз Тошкенбоевлар». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

* * *

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «Замин саховати».
20.00 Эълонлар.
20.05 «М-хабар».
20.15 «Ўтган кунлар».
20.45 Эълонлар.
20.50 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.35 «5+1».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Кимга қанақа?»
23.10 «Спорт-тайм».
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Най».
9.30 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Сиҳат-саломатлик».
11.30 «Шарқдан нур таралур...» Адабий кўрсатув.
12.00 Футбол шарҳи.
12.15 «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.
13.35 Лирик концерт.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.15 ЎзТВ хазинасидан. Иззат Султон. «Имон». Видеофильм. 1-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эртак».
18.25 «Спорт. Спорт. Спорт».
18.40 «Виждон». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дурдона».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.15 «Оҳанглардан таралган мерҳр».
21.40 «Альманах-ТВ». Д.Д.Д. ва бошқалар.
22.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Сурхондарё вилояти.
22.45 «Замон».
22.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Умид чечаклари».
23.00 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Чилонзор» — «Шаҳрихон».
00.40 Тунги тароналар.
00.55 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотинқизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.35 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тараққиёт сари йўл».

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Тоғ қуллари сирлари», «Ёз оқшоми». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

ЧОРШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Кекса санъаткорлар».
9.00 «Катта хирмон йўлида». Публицистик кўрсатув.
9.25 «Бола бошидан...».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Обидалар — руҳият рамзи».
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Жаннат — оналар оёғин остидадур...». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Кичкинтой» устахонаси.
12.00 Рақслар олами.
12.30 У. Гаджибеков. «Аршин мол олан». Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек драма театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.55 ЎзТВ хазинасидан. Иззат Султон. «Имон». Видеофильм. 2-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.25 «Замон билан ҳамнафас».
18.40 «Пойтахт концерт залларида».
19.00 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.15 «Оҳанглар оғушида».
21.25 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
21.45 «Мен Ватанни мадҳ этаман...».
21.55 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.10 «Автоолам».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «Сўз Сизга». Ёшлар учун кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Гиннес-шоу».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 — 23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўзбектелефильм» таништиради: «Заргар».

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Жонли сайёра».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Жаҳон болалари».
19.40 «Дўстлик қанот ёзганда».
20.10 «Тошкент оқшомида».
20.40 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.25 «Самарали изланишлар».
21.55 «Маънавият сарчашмалари».
22.25 Эълонлар.
22.30 «Шарқ тафаккури».
23.00 «IV канал эксклюзиви».
23.30 Эълонлар.
23.35 «Юлдузлар жилоси».
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Болалар учун. «Она шаҳрим».
8.55 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Мусаввир нигоҳи».
9.20 «Ҳотира». Шарофиддин Шарипов.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Санъат гунчалари».
10.35 «Оналар мактаби».
11.05 «Олтин занжир». Бадиий фильм.
12.30 Ўзбек куйларидан концерт.
13.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 «Ҳаворанг атиргул». Болалар учун фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Омонлик тилаймиз!».
18.55 «Аввал иқтисод...».
19.10 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.20 «Дилнавоз садолар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Мутойиба».
21.35 «Дилнавоз садолар».
22.00 «Одобнома».
22.10 Ҳиндистон мустақиллиги кунига. «Жаннат». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Жаннат». Бадиий фильм. 2-серия (Ҳиндистон).
01.15 Тунги тароналар.
01.25—01.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».

(Давоми 4-бетда).

Салима ҚИЛИЧЕВА.

ЭНГ МУҚАДДАС АЛЛАЛАР АЙТАЙ

ИСТАК



Бир баҳор истадим,
Гўзалликдан юксакроқ.
Меҳр дарёсига
Роса чўмилган.
Бир дунё истадим,
Қуёшлари кўп,
Заррин нурлари унинг
Тош дилни эритувчи.
Одамлари эса
Садоқатга кўмилган.
Бир одам истадим,
Шундай ҳайқирсин:
Севаман!
Баҳор, дунё, аёлни
Истакларим рост бўлгунча,
Йиғиштиролмайман
Хаёлни.

* * *

Ўз қушимни гоҳ учириб, тутаяпман,
Зулмат ичра нур чиқмоғин кутаяпман,
Дил дарахтин ўстирибман, бутаяпман,
Оҳ, бу не ҳол, юрагимни титаяпман.
Дунё қучиб ухлаётган бир кўздирман,
Оқшом бағрин тирнаётган воҳ-бўздирман,
Бардошларга боғланган тил ё сўздирман,
Ўз қадрини сўраётган бир юздирман.
Эсавергин, уйғонайин, шамолжоним,
Наво, сенга доим ташна менинг боғим,
Ғаниматдир тўлиб турган ушбу чоғим,
Келгин энди, кела қолгин, ғалаёним.
Дил қушимни учириб, гоҳ тутаяпман,
Зулмат ичра нур чиқмоғин кутаяпман...

ЮРАГИМДА ТОР...

Нечун юрагимда қийновчи бир тор,
Гоҳо эркалару гоҳ берар озор,
Нечун тунлар гоҳо уйғонаману
Ўйга ботиб тонгни кутаман бедор.
Йўлларим не учун эмасдир равон,
Турфа савдо турар доим қошимда,
Нега, нега ахир қийналади жон,
Қандай азоблар бор яна бошимда.
Қувончман, армонман, ўтинчман,
Заминман, фалакман, илинжман,
Гоҳ ойга осилиб ҳалакман,
Ўзга бир оламдан даракман.
Не учун ўртанар бу бағрим,
Унда гоҳ кулиб, гоҳ йиғлар ким?
Тўлин бахтим нечун туюлади ним,
Қайларга шайланар бу озод руҳим,
Юрагимда шундай қийновчи бир тор...
Унга битта эмас, мингта олам ёр.
Бу тор мендай содда, савдойи дилни
Авж пардада бир кун сайратмоғи бор...

ЎКСИМА ДИЛ

Дилим, сени мен ўзим севай,
Ўша ойни мен олиб берай,
Иста, қанча, қанча гул терай,
Ўксинмагил, ўксима эй дил.
То тонггача сени ардоқлаб,
Энг муқаддас аллалар айтай,
Дунёлардан кечиб майлига,
Фақат сенинг ўзингга қайтай.
Ўксинмагил, ўксима, эй дил.
Бахтиёр бўл, бахтлиман дегил,
Дийдоримга майли сен ҳам тўй,
Бошгинамда кўтариб юрай,
Дилим, энди мени бир тинч қўй.
Ўксинмагил, ўксима эй дил.

ЁР БЎЛИБМАН

Дарё бўлдим кенг кўнглингга оқайин деб,
Гоҳ ой бўлдим, тун юзингга боқайин деб.
Гул бўлибман зора бир бор ёқайин деб
Оқиб, боқиб, ёқиб сенга ёр бўлибман.

Озорларим мукофот деб билибсан ёр,
Булутли кун бўлсам, бағринг тилибсан ёр,
Сал очилсам, қуёш мисол кулибсан ёр,
Билиб, билмай мен кимларга зор бўлибман.

Сен томонга оққан сувли бир сойдирман,
Сенинг билан бахти бекам бир бойдирман,
Чаманлардан сенга боққан чиройдирман,
Муҳаббатинг куйловчи бир тор бўлибман.

ЙЎЛДА

Нуротамнинг даштлари
Қолди кўзга ташланиб,
Яқинлашиб бораман,
Кўнгилгинам ғашланиб.
Армони кўп онам бор,
Кўзларида дард ўхлар.
Тўхтатинг мунгли куйни,
Ҳасратларим уйғотар.
Яқинлашиб бораман,
Ёришади бир кўча.
Унда бир эшик бордир,
Турар дунё тургунча.
Ташвишларим тўлишар
Тарқалар бедард ўйим,
Эзилган соғинч билан
Мени кутади уйим.

Футбол

МАҚСАД – МУХЛИСЛАР РУҲИНИ КЎТАРИШ

11 август санасини ишқибозлар асло унутишмайди. Боиси, 17 йил аввал ҳудди шу куни Минск осмонида «Пахтакор»нинг 17 нафар шунқори самога сочилган эди. Уларнинг номларини ҳурмат билан тилга олувчилар ҳамон юлдузларимиз руҳларини шод этишга ҳаракат қиладилар. Эртанги куннинг яна бир жиҳати олий лига жамоаларининг ўйинлар жадвалига мувофиқ мавсумнинг ҳал қилувчи давраси учрашувлари бошланади.

Юртимизда футболни янада ривожлантиришга бағишланган тарихий қарор эълон қилингани ҳамда футбол мавсуми бошланганига ярим йил бўлди. Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси ижроқўмининг навбатдаги йиғилиши айнан шу масалага бағишланди. Уни бошқарган республика Футбол федерацияси президенти З.Алматовнинг сўзларига қараганда қарорнинг ижроси бўйича кўзга кўринарли ишлар амалга оширилган. Хусусан, ўйингоҳлар таъмирланган, футбол клублари тузилган, ўйинчилар футболни ўзларига касб қилиб майдонга тушмоқдалар. Ҳар бир футбол жамоаси молиявий ҳисоб юритиш, ўз харажатларини ўзи қоплаш, маошлар белгилаш, рағбатлантириш каби тадбирларни мустақил бажармоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Енгил саноат вазирлиги билан «Совпластитал» қўшма корхонаси кўплаб резина тўплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани таъкидланди. Ўзбекистон жисмоний тарбия институтида эса мураббийлар тарбиялаш бўлими очилган. Бу ерда тренерлар уч гуруҳда таҳсил олишади.

Маълумки, футболни ривожлантиришга бағишланган қарорда ўйинчилар малакасини ошириш, жаҳон талабларига жавоб берадиган даражага етиш, халқаро майдонларда юртимиз нуфузини кўтаришга қодир йигитлар сафини кенгайтиришга катта эътибор берилган. Шу жиҳатдан қараганда, камчиликлар кўзга ташланади. Йиғилишда эътироф этилганидек, нима учундир қишлоқларда футбол мактаблари етарли эмас. Футбол-интернатларда эса самарадорлик талабга жавоб бермайди. Шунингдек, қарорга мувофиқ ҳокимлар жойларда туман, вилоят футбол федерацияларининг президентлари ҳисобланади.

Футбол ўйинларининг савиясини кўтариш, унинг мароқли ва мазмунли, қизғин ва муросасиз тус олишига эришиш мухлисларни ўйингоҳларга йўл олишларига имкон беради. Тўғри, бу йил биринчи давра мобайнида ўйингоҳларга қарийб 1 миллионга яқин томошабин келган. Бу ўтган йилдагидан бир-икки юз мингга кўп. Зеро, кўнгилдагидек натижага эришилди, деб бўлмайди. Мақсад — одамлар қизиқарли учрашувларга патта излаб юрадиган поғонага эришиш. Ана шундагина лиқ тўла ўйингоҳдан олисларга таралувчи ҳайқириқларнинг завқи бўлакча бўлади. Хали ҳамма жойда учрашув олдидан кўнгилочар томошалар, маданий-маиший хизмат йўлга қўйилмаган. Шундай қилиш керакки, ҳар бир учрашув ўзига хос байрамга айлансин. Одамлар футбол баҳона маданий ҳордиқ олишга одатлансин.

Миллий терма жамоа чет элликлар наздидаги ўзига хос кўзгу, миллатимиз юзи бўлмоғи зарур. Йиғилишда бош мураббий Баҳодир Иброҳимов терма жамоанинг бугунги аҳволи ҳақида ахборот берди. Сирасини айтганда; бу борадаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Боиси, жамоа аъзолари тўп суриш, маҳорат услубларини қўллаш, жисмоний жиҳатдан замон талабига тўлиқ жавоб беради, дейиш қийин. Ваҳоланки, уларнинг олдида масъулиятли вазифа турибди. Йил охирида Осиё кубоги учун Араб Амирликларида ўтказилажак финал учрашувларида иштирок этадилар. Бунинг учун ўйинчиларимиз бир қанча халқаро ўртоқлик учрашувларида ўз имкониятларини синашлари зарур. Умуман, бош жамоанинг муваффақиятини таъминлаш учун масъулиятни янада оширмаса бўлмайди.

Бунинг учун олий ва биринчи лига жамоаларининг мураббийлари лаёқатли исталган ўйинчини бош жамоага тавсия қилишни ўзларининг бурчлари деб билмоқлари керак. Айни пайтда ёшлар ва ўсмирлар терма жамоалари ҳам ўринбосарлар тарбиялаш масаласида жиддий иш қилишларига тўғри келади.Унутмайликки, футболимиз келажаги порлоқ. Халқаро футбол федерациясининг президент Жоао Авеланжнинг таъбири билан айтганда, халқаро миқёсда Ўзбекистондек янги футбол мамлакати кашф этилган. Йигитларимизнинг жаҳон чемпионатининг финалига чиқишларидан умидвормиз.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М.АҲМЕДОВ, навбатчи Р.ШОДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0427

Босишга топшириш вақти – 21.00.
Топширилди – 22.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35—00.35 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Оддий кун». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Ўзбектелефильм» таништиради: «Зарафшон».
20.55 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сеҳр».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «02» тўлқинида».
21.15 «Эколот-коктейль».
21.45 «Компьютер-ревю».
22.10 «Онагинам».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Санъат олами».
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Севимли саройимиз».
9.40 «Кашф этилаётган имкониятлар». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Шоҳруҳ» клуби.
10.30 «Катта бўлишни хоҳламайман». Бадиий фильм.
11.55 «Халқ ижодиёти». «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достони. 1-кўрсатув.
12.30 «Ислоҳот ва масъулият». «Мингдан бир имконият».
13.00 «Қирқ ҳунар ҳам оз...».
13.30 «Жонона келибдур...» Рушель Рубинов, Ўктам Аҳмедов.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 «Олти жаҳонгашта». Болалар учун фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.25 «Офарин».
18.50 «Йигит омон бўлса...»
19.10 Бизнес ҳафта якунлари.
19.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Мустақиллик солномаси».
21.25 «Ривоят».
21.35 «Таниш ва номаълум».
22.00 Маслаҳат.
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.00 «Мафтункор чеҳралар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18:00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20—23.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Мусаввир». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.15 — 20.35

*

20.35 «Мусиқий учрашувлар». «Шаҳзод» гуруҳи.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 Янгиликлар.
22.30 — 23.50 Киноклассика. Акиро Куросаванинг «Кугемуша» фильми. 1-серия.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Учқун».
19.30 Эълонлар.
19.35 Монитор-«Осиё».
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.20 «Бумеранг».
20.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Коинот».
21.50 «Бу бўстон аро...».
22.20 «Кайфият».
22.50 «Мусиқий меҳмонхона».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Араб эстрадаси».
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шархи.
8.35 Диққат, премьера: Рустам Маъдиев, Фарҳод Олимов. «Девона». Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали театрининг спектакли.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.45 «Тараннум». Мусиқий дастур.
11.15 «Менга сўз беринг!».
12.15 Вилоят студияларининг телевизион фестивали.
12.35 «Ёлқин». Тележурнал.
12.55 «Хазина».
13.15 «Экран хандаси».
13.35 «Халқ ижодиёти». «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достони. 2-кўрсатув.
14.10—14.40 «Ёшлар ижоди». Баҳодир Иброҳимов ва Инобат Собирова.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ҳайрат».
18.45 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Мактуб».
19.15 «Оққуш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ишингиз бароридан келсин!».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.35 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.55 «Мусиқа салтанати».

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.15 «Заковат».
22.25 «Муъжиза».
22.40 «Имкон чўққилари».
22.55 «Леди Жейн». Бадиий фильм.

II

9.00 «Мультдаста».
9.15 «Боланинг тили...»
9.25 «Табиат шифохонаси».
9.35 Дилором наволар.
9.45 «Таманно».
9.55 «Йўловчи ва транспорт».
10.00 «Мусиқий майдонча».
10.25 Видео янгиликлари.
10.45 Видео—«О».
12.25—13.25 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Мульттўплам».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 Телесериал. «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. 1-фильм. «Онаизор» (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Дубляж».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.20 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10—23.50 Видео — «О».

III

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.05 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 Киноклассика. Акиро Куросаванинг «Кугемуша» фильми. 2-серия.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30

*

22.30 — 22.55 «Асрларга татигулик». Телефильм.

IV

«Чинор» видеоканали:

10.00 «Замандас».
10.30 «Безнен мирас».
11.00 Эълонлар.
11.05 «Чинсен».
11.35 Эълонлар.
11.40—12.50 Болалар учун фильм. «Буюк ҳайвон ўргатувчи».

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Қувноқ ёз».
19.20 Эълонлар.
19.25 «Спорт-дайджест» (рус тилида).
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 Эълонлар.
20.50 «Олам ва одам».
21.15 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.20 «Кинонинг олтин асри». Луи де Фюнес «Инсон—оркестр» фильмида (Франция).
22.40 «Ассалом, Франция!». Серж Лама куйлайди.
23.00 «Рақслар қанотида».
23.30 Эълонлар.
23,35—23.45 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Қувноқ стартлар». Саралаш мусобақалари.
11.45 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.15 «Етти хазинанинг бири». Балиқчилар кунига бағишланади.
12.35 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 4-кўй.
13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК»— «Атласчи».
14.00—15.00 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «LEGO» сайёраси».
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари. «Мустақиллик солномаси».
21.25 Илҳом сатрлари.
21.30 «Шахс ва бахс».
21.55 «Бу мунис лаҳзалар». Мусиқий кўрсатув.
22.10 ЎзТВ экранида премьера. М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 5-кўй.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульттўплам».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Компьютер-Осиё».
9.55 «Дубляж».
10.05 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео—«О».
12.15—13.15 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Мультдаста».
18.20 «Боланинг тили...»
18.35 Эълонлар.
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 Дилором наволар.
19.00 «Таманно».
19.10 «Дармон».
19.20 «Транспорт ва йўловчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Сиздан ишорат». Мусиқий кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Телесериал. «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. 2-фильм. «Онаизор» (Миср Араб Республикаси).
21.50 «Даракчи».
22.00 Видео янгиликлари.
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00—00.40 Видео — «О».

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.15 — 22.25

*

22.25 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
22.30 — 00.10

*

00.10 — 00.35 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
10.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.10 «Жонли сайёра».
12.30 Эълонлар.
12.35 «Парле ву франсэ?» Француз тили ҳамма учун.
13.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
13.35 «Учувчи шифокорлар». Телесериал (Англия).
14.15 Эълонлар.
14.20 «Оқ соя».
14.50 «Киносалон». Аль Пачино ва Шон Пен Брайн де Пальманинг «Карлито йўли» фильмида.

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Телеташриф».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Иштирок этувчилар».
19.45 Киносалон. Аль Пачино Брайн де Пальманинг «Чандиқли юз» фильмида.
21.10 Эълонлар.
21.15 «ТВ IV да етти кун».
21.30 «Чандиқли юз» (фильмнинг давоми).
22.55 Эълонлар.
23.00 «Туризм-ревю».
23.30 «Сенинг вақтинг».
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, институт бўлим мудири М. Баратовга опаси **Муҳаррамхон АБДУРАҲИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СЎЗ КЎРКИ — МАҚОЛ

Дўстнинг эскиси, кийимнинг янгиси яхши.

***

Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар.

***

Кўр-кўрона савдо қилган бошига ғавғо олар.

***

Қўй олсанг ёмғирда ол, от сотсанг ёмғирда сот. Боғ сотсанг ёзда сот, боғ олсанг қишда ол.

***

Харидор меҳмондан, меҳмон отангдан улуғ.

***

Сархили бозорга, уринчи рўзғорга. Бўз ямоғи бўзга, шол ямоғи шолга.

***

Ўликка йиғлагани эсиз ёшим, чайқовчига эгилишга эсиз бошим.

***

Қорда юрсанг изи қолади, бозорда юрсанг юқи қолади.

Юнус ЗИЁДОВ тўплаган.

"ТОШКЕНТСУТ"

АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ



Шуни маълум қиладики, 15 августдан бошлаб жамият вакиллари қишлоқ аҳолисидан, қишлоқ кенгашлари орқали келишилган нархларда шартнома асосида чекланмаган миқдорда сут қабул қилишни бошлайди.

Сутни Тошкент вилояти туманларида жойлашган "Тошкентсут"га қарашли қабул пунктларига топширишингиз мумкин. Топширилган сутнинг ҳисоб-китоб ишлари ҳар куни қишлоқ кенгашлари орқали олиб борилади.

"Тошкентсут" акциядорлар жамияти қишлоқ кенгашларини керак бўлган анжомлар фляга, бидон, лаборатория асбоб-ускуналари, ўлчов тарозилари билан тўла-тўкис таъминлайди.

Қишлоқ меҳнаткашлари! Бизнинг вакилларимиз Сизларни қуйидаги манзилгоҳларда кутадилар:

— Тошкент тумани — "Тошкент" сут қабул қилиш пункти;
— Зангиота тумани — "Зангиота" сут қабул қилиш пункти;
— Оққўрғон тумани — "Оққўрғон" сут қабул қилиш пункти;
— Чиноз тумани — "Эрназар" ва "Олмазор" сут қабул қилиш пунктлари;
— Қуйи Чирчиқ тумани — "Ўзбекистон" ва "Ҳамкорлик" сут қабул қилиш пунктлари.

Маълумот учун телефон: 72-05-80.